

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

КУРБАНОВ АБДУЛҲАМИД АБДИКАЮМОВИЧ

**АЛИШЕР НАВОИЙ “ФАРҲОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИ
САРЛАВҲАЛАРИ БАДИИЯТИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2017 йил

УЎК: 821.512.133 (092) Навоий А. (043.3)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Курбанов Абдулхамид Абдикаюмович

Алишер Навоий “Фарход ва Ширин” достони сарлавҳалари
бадиияти 3

Курбанов Абдулхамид Абдикаюмович

Художественность заголовков поэмы «Фархад и Ширин»
Алишера Навои..... 25

Kurbanov Abdulkhamid Abdikhayumovich

The art of the heads of the poem "Farhad and Shirin" of Alicher
Navoi..... 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.46.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

КУРБАНОВ АБДУЛҲАМИД АБДИКАЮМОВИЧ

**АЛИШЕР НАВОИЙ “ФАРҲОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИ
САРЛАВҲАЛАРИ БАДИИЯТИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fi197 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tai.uz ҳамда “ZiyoNet” ахборот-таълим портали www.ziyo.net манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳомидов Ҳамиджон

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич
филология фанлари доктори, профессор

Эргашев Қодир Отаджанович
филология фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.46.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100060, Тошкент, Шаҳрисабз тор кўчаси, 5. Тел.: (99871) 233-36-50; fax: (99871) 233-71-44; e-mail: uzlit@uzsci.net.)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент, Зиёлилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2017 йил “__” _____ кун тарқатилди.
(2016 йил _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Назаров

илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, академик

Р.Баракаев

илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.

Н.Ф.Каримов

илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида Алишер Навоий “Хамса”си, жумладан, “Фарҳод ва Ширин” достонининг ғоявий-бадиий олами, анъана ва ижодийлик, ўзаро таъсир ва санъаткорлик, сюжет ва композиция, образлар тизими, генезиси, типологик жиҳатлари, жанр, вазн, услуб масалалари билан бир қаторда, асардаги боблар сарлавҳасини ўрганиш, уларнинг ўзига хос поэтикасини тадқиқ қилиш, умумматн таркибидаги ўрнини аниқлаш ҳамда ижодкор бадиий маҳоратини намойиш қилувчи етакчи тасвирий воситаларни таҳлил қилиш муҳим назарий аҳамиятга эга.

Жаҳон адабиётшунослигида асар, жумладан, боб сарлавҳаларига ҳам эътибор қаратилиб, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: сарлавҳаларнинг шаклланиш тарихи, инкишофи, ўзига хос поэтикаси, адабий жанрлар, мавзу, ғоя билан алоқадор жиҳатлари, мавзуй гуруҳлари, асар ғоясини очишдаги ўрнига ва бошқалар. Сарлавҳа, хусусан, боб сарлавҳалари асар структурасида хилма-хил бадиий-эстетик вазифаларни бажаради: бир ўринда ҳикоя қилинажак воқеалар ҳақида хабар берса, бошқа ўринда китобхон эътиборини асосий воқеаларга жалб этади. “Фарҳод ва Ширин” сарлавҳаларининг вазифалар доираси янада кенгрок: ҳар бир сарлавҳани ўша бобнинг ўзига хос “дебоча”си деб айтиш мумкин. Чунки уларда боб мазмуни қисқача баён қилинишидан ташқари, шоирнинг адабий-назарий қарашлари, бадиий нияти ва асар ғоявий мазмуни ҳам ўз ифодасини топган. Шунингдек, сарлавҳалар шоирнинг барча асарлари каби юксак ва бетакрор бадиийлиги билан ҳам ажралиб туради. Уларнинг бу каби ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш Навоий поэтикасининг долзарб масалаларидан биридир.

Мустақиллик йилларида Алишер Навоий асарларининг мукамал матнларини яратиш, жанр хусусиятлари, образлар тизими, сюжет ва композицияси, услуби ва тасвирий воситаларини ўрганиш соҳасида катта ютуқларга эришилди. Шоирнинг ўлмас асарлари бетакрор мазмун-моҳият ва юксак бадииятга эга бўлиб, “умумбашарият хазинасидан муносиб ўрин олган”.¹ Шоир ижодининг ёрқин саҳифаларидан бирини “Фарҳод ва Ширин” достонидаги сарлавҳалар ташкил қилади. Навоий бу соҳада устоз шоирлар: Низомий, Хусрав Дехлавий ва Жомийлар анъаналарини давом эттирди. Шу билан бирга, уларни беҳад ривожлантириб, мазмун томонидан ҳам, шакл жиҳатидан ҳам бутунлай янги поғонага кўтарди. Навоийшунослик фанининг ривожини, жамиятнинг маънавий-эстетик эҳтиёжлари сарлавҳалар бадииятини маҳсус тадқиқот объекти сифатида ўрганиш, шоир ижодига ўзбек халқининг қадимий ва бой маънавий қадриятлари билан боғлиқ ҳолда баҳо беришни тақозо қилади. Зеро,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2016 йил, 14 май, №94.

илм-фан олдида турган асосий вазифалардан бири ҳам “Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, барча соҳа ва тармоқлар қатори маданият ва санъат, адабиёт равнақини янги босқичга кўтариш”дир.²

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сонли “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида Навоий “Хамса”си, хусусан, “Фарҳод ва Ширин” достонини ўрганиш борасида кўпгина изланишлар олиб борилган. Рус,³ турк,⁴ озарбайжон,⁵ ва ўзбек⁶ олимлари ўз тадқиқотларида достоннинг хамсачиликда тутган ўрни,

² Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // O'zbekiston adabiyoti va san'ati, 2017 йил, 4 август, №32.

³ Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джамии. – М.: Наука, 1965; Алиев Г. Легенда о Хосраве и Ширин в литературах Востока. – М.: Наука, 1960.

⁴ Levend A.S. Ali Şir Nevai; hayati, sanati ve şahsiyeti. – Ankara, 1965; Köpülü F. Ali Şir Nevai. – İstanbul, 1941; Alpay G. Ali Şir Nevaînin Ferhad va Şirin Mesnevîsi Üzerindeki Etkiler. – Ankara, 1989; Çetidağ Y. Ali Şir Nevaî. Hayati, Sanati, Eserlari, Fatih Üniversitesi. – İstanbul, 2005.

⁵ Arasli H. Nəvoî va Azərbaycan ədəbiyyati / Əlishir Nəvoî Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında. – Bakı: Qartal, 2009; Nağieva C. İki görkəmli şair, iki qalam dostu / Əlishir Nəvoî Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında. – Bakı: Qartal, 2009; Beqdeli Q. Nəvoinin “Ferhad və Şirin” poemasi və onun Nizami “Xusrav və Şirin”i ilə əlaqəsi / Əlishir Nəvoî Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında. – Bakı: Qartal, 2009; Ülvi A. Cığatay ədəbiyyati – klassik irs / Əlishir Nəvoî Azərbaycan ədəbiyyatşünaslığında. – Bakı: Qartal, 2009.

⁶ Фитрат А. „Фарходу Ширин“ достони тўғрисида / Танланган асарлар. II жилд. – Тошкент: 2000; Айний С. Асарлар. Саккиз томлик. Саккизинчи том. – Тошкент: Фафур Фулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1967; Олимжон Х. Мукамал асарлар тўплами. Ўн томлик. Бешинчи том. Тадқиқот ва мақолалар. – Тошкент: Фан, 1982; Ойбек. Навоий гулшани. – Тошкент: “Тошкент” бадий адабиёт нашриёти, 1967; Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи том. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972; Шарафиддинов О. Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971;

шоирнинг салафларига муносабати, асар сюжети ва ғоявий-бадий хусусиятлари юзасидан муҳим ва қимматли мулоҳазаларни билдирганлар. Бироқ сарлавҳалар бадииятига бағишланган тадқиқотлар унчалик кўп эмас. Бундай ҳолат жаҳон адабиётшунослигида ҳам кўзга ташланади. Гарчи асар бобларига сарлавҳа қўйиш анъанаси инглиз, француз, итальян ва бошқа адабиётларда ҳам мавжуд бўлса-да (Жовани Боккачо, “Декамерон”; Франсуа Рабле, “Торгантюа ва Пантагрюэль”; Жонатан Свифт, “Гулливернинг саёҳатлари”), бу масала Европа, жумладан, рус адабиётшунослигида ҳам етарли даражада ўрганилмаган. Сарлавҳа поэтикасига бағишланган ишларда эса асосан бош сарлавҳа – асар номлари тадқиқ этилган.⁷ Фақат А.Б.Ламзина ички сарлавҳаларга ҳам қисқача тўхталиб, уларда “ҳар бир бобда тасвирланган воқеалар изчил санаб ўтилиши, шу билан бирга, улар кўпинча муаллифнинг воқеалар ҳақидаги изоҳидан иборат”⁸ эканлигини қайд этади.

Ўзбек адабиётшунослигида мазкур масалага дастлаб эътибор қаратган олим Т.Жалолов бўлган эди. У “Хамса” талқинлари” асарининг хотимасида бешлик бадиияти ҳақидаги ўз мулоҳазаларини баён қилар экан, шундай деб ёзади: “Навоий ўз “Хамса”сининг ҳар бир бобига чексиз зўр пафос билан ёзилган насрий сарлавҳалар қўяди. Ҳар бир насрий сарлавҳа ўша бобнинг сиқик жумлаларда, ихчам қилиб баён этилган мазмунидир”.⁹ Т.Жалолов фикрлари кейинги даврларда яратилган тадқиқотлар учун асос бўлган.¹⁰

Жалолов Т. “Хамса” талқинлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968; Захидов В. Мир идей и образов Алишера Навои. – Ташкент: ГИХЛ, 1961; Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 2010; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015; Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Тошкент: Фан, 1959; Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Тошкент: Фан, 1963; Қаюмов А. “Фарход ва Ширин” сирлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979; Эркинов С. Навоий “Фарход ва Ширин” ва унинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 1971; Ганиева С. Алишер Навоий. Ҳаёти ва ижоди. – Тошкент: Фан, 1962; Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995; Валихўжаев. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Тошкент: Фан, 1974; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр – Ўзбекистон, 2009; Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011; Ҳаққул И. “Хамса” бадииятига доир / Алишер Навоий “Хамса”си. – Тошкент: Фан, 1986; Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007; Муҳиддинов М. Икки олам ёғдуси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991; Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002; Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV–XIX аср манбалари. Филол. фан. док. дисс. – Тошкент, 1998; Имомназаров М. Кўнгил ҳақида тўрт дoston шарҳи // *Sharq mash`ali*, 2016 йил, №1; Имомназаров М. Ҳақиқат ва Мажоз // *Шарқ юлдузи*, 1988, № 4, Б.147–152; Абдуқодиров А. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида ваҳдат ул-вужуд талқини. – Хўжанд: Раҳим Жалил номидаги давлат нашриёти, 1996.

⁷ Кржижановский С.Д. Поэтика заглавий. – М.: Никитинские субботники, 1931; Ламзина А.Б. Заглавие / Введение в литературоведение. Литературное произведение: основные понятия и термины. Учебное пособие. Под редакцией Л.В.Чернец. – М.: Высшая школа; Издательский центр «Akademia», 1999; Джанджакова Е.В. О поэтике заглавий / Лингвистика и поэтика. – М.: 1979; Кожина Н.А. В поисках гармонии. О заглавиях в лирике // *Русская речь*, 1986, №6; Колганова А.А. Роль заглавия в формировании читательского интереса (в русской литературе XIX в.) / Чтение в дореволюционной России. – М.: 1991.

⁸ Ламзина А.Б. Заглавие. – С.104.

⁹ Жалолов Т. “Хамса” талқинлари. – Б.149.

¹⁰ Рустамий А. Адиллар одобидан адаблар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 64–69; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б. 121;

Жумладан, С.Эркинов “Навоий “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили” монографиясида сарлавҳалар ҳақида шундай дейди: “Навоий Низомийдан фарқли равишда ҳар бир бобнинг сарлавҳасида содир бўладиган воқеаларнинг мундарижасини бериб боради”.¹¹ Агар С.Эркинов таҳлилда дostonдаги бир-икки сарлавҳа билан чекланган бўлса, академик А.Қаюмовнинг “Хамса” сарлавҳалари” асарининг бир бўлими “Фарҳод ва Ширин” сарлавҳалари тадқиқига бағишланган. Устоз навоийшунос ўз эътиборини кўпроқ сарлавҳаларда фикр ва воқеаларнинг қай тарзда ифодаланишига қаратади. Шунингдек, сарлавҳаларнинг “бадий либоси”ни ҳам назардан қочирмай, ўрни-ўрни билан муайян сарлавҳадаги бош тасвирий воситаларни ҳам кўрсатиб боради. Муаллиф таъкидича, тадқиқотдан мақсад “Хамса” сарлавҳаларини чуқур ва батафсил таҳлил қилиш эмас, балки “уларнинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида умумий тушунча туғдирмоқ”¹² бўлган. Табиийки, унда сарлавҳалар билан боғлиқ барча масалалар қамраб олинган эмас. “Фарҳод ва Ширин”даги айрим сарлавҳалар Н.Маҳмудов томонидан лингвопоэтик аспектда тадқиқ қилинган.¹³

Ушбу диссертацияни тайёрлаш жараёнида мазкур тадқиқотлардаги ютуқларга таянилди, ўрни билан уларга танқидий муносабат ҳам билдирилди. Чунончи, гарчи мавжуд тадқиқотларда сарлавҳаларнинг боб мазмунида тутган ўрни қайд этилиб, бадий хусусиятлари бирмунча таҳлил қилинган бўлса ҳам, уларнинг ўзига хос поэтикаси: ҳажм, жумла, жумлалараро боғланиш, услуб ва композиция каби масалалар эътибордан четда қолган. Бу – биринчидан. Иккинчидан, бадий асарда мазмун бирламчи бўлиб, барча поэтик унсурлар: образ, сюжет ҳамда бадий тасвир воситалари унинг ёрқин ва мутаассир ифодасига хизмат қилиши маълум. Бинобарин, асар мазмунини унинг шаклидан, шакли эса мазмундан айро тасаввур қилиш мумкин эмас. Бу фикр сарлавҳаларга ҳам тааллуқли бўлиб, уларни ҳам алоҳида, дostonнинг умумматнидан ажралган ҳолда тадқиқ этиб бўлмайди. Аммо ҳозирга қадар сарлавҳа ва шеърининг матн биргаликда, бир бутун ва яхлит тарзда ўрганилиб, сарлавҳаларнинг асар ғоявий мазмуни ва бадииятида тутган ўрни илмий асосда очиқ берилган эмас. Мазкур тадқиқот сарлавҳалар бадиияти биринчи марта монографик тадқиқ этилганлиги, шунингдек, умумсюжет ва умумматн аспектида ўрганилиб, уларнинг муаллиф бадий нияти ва асар ғоявий мазмунини очишдаги ўрни аниқланганлиги билан аввал амалга оширилган ишлардан фарқ қилади.

Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. – Б.161–175.

¹¹ Эркинов С. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 1971. – Б. 200.

¹² Қаюмов А. Асарлар. 3-жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009. – Б. 59.

¹³ Маҳмудов Н. Мухтасар ва кўркем баён / Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – Б. 97–102.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўзбек адабиёти тарихи ва матншунослик кафедрасининг “Ўзбек адабиёти тарихи ва матншунослигининг илмий-назарий муаммолари” илмий йўналиши билан боғлиқ равишда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонидаги сарлавҳалар бадиияти, уларнинг асар умумматнида тутган ўрни, муаллиф бадиий нияти ва асар ғоявий мазмунини ифодалашдаги аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“Фарҳод ва Ширин” достони сарлавҳаларининг ўзига хос поэтикаси: хажми, жумла тузилиши, услуб ва композициясини тадқиқ этиш, сарлавҳа ва шеърининг матн ўртасидаги мазмуний ва тасвирий муносабатларни очиб бериш;

сарлавҳа ва шеърининг матн узвий алоқадорлигида муаллиф бадиий ниятининг ифодаланиши масаласини аниқлаш;

сарлавҳалар ва умумматн аспектида ғоявий мазмуннинг намоён бўлиш усул ва хусусиятларини ёритиш;

сарлавҳаларда муаллиф бадиий маҳоратининг намоён бўлишини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти “Фарҳод ва Ширин” достонидир.

Тадқиқотнинг предметини “Фарҳод ва Ширин” достонидаги сарлавҳалар, уларнинг асар умумсюжетида тутган ўрни, композицияси ва услуби, уларда муаллиф бадиий нияти ва асар ғоявий мазмунининг ифодаланиши ҳамда шоир маҳорати масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олдида қўйилган илмий муаммони ҳал этишда қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий, контекстуал ва комплекс таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“Фарҳод ва Ширин” достони сарлавҳаларининг композицияси ва услуби, достон умумматнида тутган ўрни, поэтик вазифаси аниқланган;

сарлавҳалар муаллиф бадиий нияти ва асар ғоявий мазмунини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботланган;

достон поэтикаси “ўзлик – фано – васл” силсиласига қурилгани ва бу силсила асар ғоявий мазмунининг ўзига хос ифодаси эканлиги аниқланган;

достон мазмуний мундарижасидан ўрин олган “аввалги фано” ва “иккинчи фано” тушунчалари навоийшуносликка олиб кирилган;

шоирнинг ташбеҳ, истиора, талмех, иштиқоқ, муаммо каби тасвирий воситаларда акс этган юксак бадиий маҳорати очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

“Хамса” сарлавҳаларининг инкишофида Навоийнинг тутган ўрни ва хизматлари, уларнинг шоир салафларининг асарларидан фарқли жиҳатлари кўрсатилди;

сарлавҳаларни асар ғоявий-бадий контекстида ўрганиш зарурати асосланди;

мавжуд тадқиқотларга таяниб ҳамда сарлавҳа ва шеърини матни узвий ҳолда таҳлил қилиб, “Фарҳод ва Ширин” достонининг моҳиятида Ҳақ ишқи ғояси ётиши чуқур очиқ берилди;

“авзоъ”, “ком”, “масмуъ”, “матбуъ”, “дарёзада ажнос”, “маъно”, “сурат”, “нақш”, “дилкаш” каби адабий истилоҳларнинг шоир ижодидаги маъноларига аниқлик киритилди;

“дард”, касрат, “ваҳдат”, “май”, “соғар”, “самандар ёғи”, “аждар”, “Афридун ганжи”, “дев”, “Сулаймон хотами”, “тилсим”, “Жамшид жоми”, “Хизри раҳ”, “зулмат”, “ҳаёт суйи”, “ох”, “ғайр нақши”, “нафийи вужуд”, “нанги вужуд” каби тасаввуфий истилоҳ ва тафсилларнинг Фарҳод маънавий-руҳий камолоти ифодасида тутган ўрни кўрсатилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилгани, таҳлиллар ва улардан чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, таҳлил ва хулосаларда асосан шоир асарларининг ўзидан келиб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ўтмиш Шарқ адабиёти, жумладан, “Хамса” достонларининг поэтикаси бўйича тадқиқотлар яратиш, олий таълим муассасаларида ўқитиладиган “Ўзбек адабиёти тарихи” ва “Навоийшунослик” фанларига оид ўқув қўлланма ва дарсликларни такомиллаштиришга мазкур тадқиқот натижаларининг татбиқ этилишида намоён бўлади. Тадқиқотнинг назарий хулосалари бадий асарни яхлит тизим сифатида ўрганиш, бадий адабиёт, тасаввуф ва ижтимоий ҳаётнинг ўзаро алоқасини тадқиқ этишда манба бўлиб хизмат қилади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти уларнинг “Хамса”, хусусан, “Фарҳод ва Ширин” достонининг бадииятини яхлит ҳолда тасаввур қилиш, Навоийнинг мислсиз маҳорати ҳақида теранроқ тасаввур яратиш, достоннинг юксак инсоний ғоя ва образлар оламини чуқурроқ англаш, бадий-эстетик дидни ўстириш ҳамда баркамол шахсларни тарбиялаш, уларга мустақиллик ғояларини сингдириш ва миллий ифтихор туйғуларини шакллантиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” сарлавҳаларида ташбех, истиора, талмеҳ, иштиқоқ, муаммо каби тасвирий воситаларда акс этган юксак бадий маҳоратига оид назарий қарашлардан ФА-Ф1-Г039 “Алишер Навоий (2 жилдлик) ва Абдулла Қодирий қомусларини яратиш” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (ФТАнинг 2017 йил 4 октябрь ФТА-02-11/787-сонли маълумотномаси). Натижада турли адабий

истилоҳларнинг маъноларини ёритиш, бадий санъатлар ва уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини яхшироқ кўрсатишга эришилган;

Достон ғоявий мазмунини ўзида ифода этувчи “аждар”, “Афридун ганжи”, “дев”, “Сулаймон хотами”, “тилсим”, “Жамшид жоми” каби тасаввуфий тимсоллар ҳамда “аввалги фано” ва “иккинчи фано” тушунчалари таҳлиliga оид илмий хулосалардан Ф1-ФА-0-55746 “Марказий Осиё халқлари адабий кўлёзма ёдгорликларини тадқиқ этиш. Ўзбекистон шоир ва ёзувчилари архивини тўплаш ва уларни илмий тавсифлаб нашрга тайёрлаш” фундаментал илмий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ФТАнинг 2017 йил 4 октябрь ФТА-02-11/787-сонли маълумотномаси). Натижада “Тўтинома” ва “Қуш тили” типигаги асарларнинг киёсий-типологик ва текстологик тадқиқи” каби монографияларнинг илмий савияси ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 халқаро ва 4 республика илмий-амалий анжуманида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 22 илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 илмий мақола эълон қилинган. Улардан 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертация ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 163 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация бир-бирига мантқан боғланган ва бири иккинчисини тақозо қилувчи уч бобдан иборат. Унинг I боби **“Фарҳод ва Ширин” сарлавҳалари композицияси, услуби ва умумматн таркибидаги ўрни**” деб номланади. Бобнинг **“Бадий қурилиш: услуб ва композиция”** номли 1-фасли сарлавҳалар тузилиши, композицияси ва услуби масаласига бағишланган. “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳаммаси бўлиб эллик учта сарлавҳа бор. Уларнинг ҳажми турлича: энг кичик сарлавҳа 29, энг катта сарлавҳа эса 131 сўздан иборат. Кичик ҳажмли сарлавҳаларнинг аксарияти

муқаддимага тўғри келади, улар 40–50 ва ундан кам миқдордаги сўзни ичига олади. Асосий бобларнинг сарлавҳалари эса йирик ҳажмли бўлиб, улардаги сўзлар миқдори 50 дан 90 тагача, учтасида эса ундан ҳам ортик. Бу ҳол сарлавҳалар ҳажмининг боб мазмуни билан узвий боғлиқ эканлиги, сарлавҳа қўйишда шоирнинг мазмун тақозоси билан иш кўрганлигидан дарак беради.

Жумла, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда жумлаларо боғланиш сарлавҳалар поэтикасида муҳим ўрин тутадиган масаладир. Жумла тугал мазмун ва оҳангга эга бўлиб, сарлавҳаларнинг мазмун ва услубини шакллантиришга хизмат қилувчи кичик матний бўлак. Фарҳод билан Ширин ўртасидаги илк учрашувнинг ҳаяжонли онлари тасвирланган XXXI боб сарлавҳасидан олинган икки жумлани кўрайлик: (1) *Фарҳоднинг тешаси тошни пора-пора қилмоғ била тоғ бағрига ков-ков солгон садони Ширин эшитгони* (2) *ва қуёш тоғдин тулуғ қилгондек ул кўҳи бало сарвақтига етгони*.¹⁴ Ҳар бир жумла ўзига хос шаклий белгиларга эга. Биринчи жумла *эшитгони*, иккинчи жумла *етгони* сўзлари билан яқунланган. Жумлаларни матнда бир-биридан кўпинча “ва” боғловчиси ажратиб туради.

Жумлаларни тузилишига кўра оддий ва мураккаб жумлаларга бўлиш мумкин. Достондаги сарлавҳаларнинг энг кўпини 5–7 жумлали сарлавҳалар ташкил қилади.

Сарлавҳалар бадииятида жумлаларо боғланиш, бундай боғланишни юзага келтирувчи воситалар масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Диссертацияда *сажъ* ва *таносуб* санъатлари сарлавҳаларда шаклий (ташқи) ва мазмуний (образли) изчилликка хизмат қилувчи воситалар сифатида тадқиқ этилган. *Сажъ*нинг вазифаси кўпинча икки жумлани оҳанг жиҳатидан боғлаб, шеърин асарлардаги бандга ўхшаб кетувчи поэтик бутунлик ҳосил қилишдир. Масалан:

- а) *Фарҳоднинг мадҳуш димоғига ҳуш боғидин насим етмак*
- б) *ва насимдек тебраниб тоғ сори азимат этмак*

Саждошликнинг чегараси аксарият ҳолларда икки жумла бўлса ҳам, шундай мусажжаъ бўлақлар ҳам учрайдики, улардаги қофиядошлик бирданига уч ва ҳатто қуйидаги сарлавҳадагидек тўрт жумлани ўз ичига олади: *Фарҳоднинг Қоран била хоро йўнарда муқорин бўлуб, балки ул Ойнинг бу Зуҳал била қирон қилмоғи ва бу фанда анга соҳибқиронлиқ эшиги очилмоғи ва Моний қалам мўйидин тасвир фанин қалам-бақалам, балки мў-бамў билмоғи ва жамии санойиъ ва ҳунар дақойиқи анинг илгига келмоғи (XVI боб). Ишда сажнинг *қўшқофия*, *тарсиъ* каби турлари ҳам таҳлил қилиниб, уларнинг банд ва композицион яхлитлик яратишдаги ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилган.*

¹⁴ Фарҳод ва Ширин / Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 8-том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 232 (Барча иктибослар ана шу нашрдан олинган).

Таносубнинг аҳамияти бениҳоя катта: унинг вазифаси жумлаларни ички – образли тарзда уюштиришдир. Сарлавҳаларда ташбеҳ, истиора, тазод, талмех, илтизом, иштиқоқ, шибҳи иштиқоқ каби ўнлаб лафзий ва маънавий санъатлар таносуб қонуниятлари асосида ўзаро уйғунлашиб, бадший тафаккур ва тасвирнинг алоҳида кўриниши тарзида юзага чиқади. Шоир асарларига хос бўлган бундай услубни юксак мутаносиблик деб айтиш мумкин. Унинг ўзига хослиги шундаки, сарлавҳа бир ёки икки марказий сўз асосига қурилиб, ундаги барча сўз, усул ва воситалар шу марказий сўз билан бирор жиҳатдан: ё мазмун, ё ранг, ё ҳид, ё маза, ё таъсир, ё макон, ё замон, ё бошқа бирор жиҳатдан алоқадор бўлади.

XLI бобнинг дастлабки икки жумласида Шириннинг Фарҳод қурган тоғдаги қасрга бориши, йўлда шамол кўтарилиб, тахти равон пардасининг очилиши ва Шеруянинг унга ошиқи беқарор бўлиб қолиши шундай тасвирланган: *Қуёшни шафақгун аморийга солиб, фалак қўрғонидин чиқоргонда саҳобмонанд аморий зайли очилмоғи ва Шеруяни бир кўрмоки заррадек саргашта қилмоғи.* Мазкур парчадаги марказий сўз *қуёш* бўлиб, шоир Ширинни *қуёш* деб атар экан, кейинги тафсил ва ҳолатлар тасвирини ҳам *қуёш* билан боғлиқ сўзлар асосига қуради. Биринчи жумлада тахти равон шафаққа, Армания қўрғони фалакка, тахти равон пардаси эса булутга ўхшатирилган: тахти равон шафақдек қип-қизил, қўрғон фалакдек баланд ва муаззам, тахти равон пардаси эса булутдек нафис ва енгил. Иккинчи жумлада айтилишича, Шириннинг жамолига тасодифан кўзи тушган Шеруянинг боши айланиб, бир лаҳзада ақлу ҳушини йўқотади. Улуғ шоир Шеруянинг бу ҳолатини, тасвир руҳи ва мазмунидан келиб чиқиб, *зарра* – *қуёш* нурларига қиёслайди, Ширин – *қуёш*, Шеруя – *зарра*, *қуёш* нур сочганда *зарра* қандай беқарор бўлса, Шириннинг *қуёш*дек жамоли ҳам Шеруяни шундай беқарор қилади.

Бу воқеа тасвирида, М.Шайхзода таъкидлаганидек, улуғ шоирнинг, “бир воқеа ёки манзарага оид тафсилларни олиб келиб, бош мавзуга риоя қилдира билишда нақадар моҳир эканлиги”¹⁵ аён кўриниб турибди: Ширин – *қуёш*, аморий – *шафақгун*, қўрғон – *фалакпайванд*, парда – *саҳобмонанд*, Шеруя – *зарра*. Айни чоғда, бу сўзлар ўзаро силсилавий боғланиш ҳосил қилиб, насрий парчада узвий алоқадорликни юзага келтирувчи муҳим композицион воситага ҳам айланган: *қуёш – фалак – шафақ – саҳоб – зарра*.

XLV, XIV боб сарлавҳалари ҳам чуқур ва атрофлича таҳлил қилиниб, таносубнинг нечоғли кучли услубий ва композицион восита эканлиги кўрсатиб берилган.

Бобнинг “**Сарлавҳаларнинг умумматн таркибидаги ўрни**” номли 2-фаслида сарлавҳа ва байтлараро муносабат, сарлавҳаларнинг ўзи мансуб бўлган бобнинг мазмун ва бадииятида тутган ўрни тадқиқ этилган. “Бу

¹⁵ Шайхзода М. Асарлар. Олти томлик. Тўртинчи том. – Б. 253.

сарлавҳаларда , – деб ёзади А.Қаюмов, – ўша бобларда баён этилган воқеа ва фикрлар қисқача, аммо гўзал бадиий тасвирларда баён этилади”.¹⁶ Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, сарлавҳа ва шеърий матн ўртасидаги мазмуний муносабат яқраган эмас: улар *шарҳлаш, изоҳлаш, кенгайтириш, тўлдириш, зоявий ният ва унинг бадиий ифодаси* каби хилма-хил кўринишларда намоён бўлади.

Сарлавҳа ва умумматн муносабатида тасвирий жиҳатдан муҳим бир жиҳат кўзга ташланади: *бобда тасвирланувчи бирор воқеа ёки тимсол ўзининг асосий вазифасидан ташқари, сарлавҳада кўпинча етакчи бадиий восита бўлиб ҳам хизмат қилади. Улуғ шоир тасвирланаётган тимсол ёки воқеа мазмунидан келиб чиқиб бадиий восита танлайди ёки уларнинг ўзини бадиий воситага айлантиради.* Бу усул сарлавҳа ва шеърий матн ўртасида ҳам мавзу, ҳам бадиий восита ва тимсоллар жиҳатидан кучли алоқадорликни юзага келтиради. Чунончи, достоннинг ХХІХ бобида денгиз ҳалокатига учраган Фарҳодни бир гуруҳ яманлик савдогарлар топиб олишлари ҳикоя қилинган. Бу воқеани шоир сарлавҳада шундай тасвирлайди: *Фарҳоднинг... Яман аҳли кемасига учрагани ва ул кема тожирлари анингдек дурри гаронмоя топқонларидин севунуб, ул бу миннат адосидин гамга қолгани.* Парчадаги *дурри гаронмоя* – Фарҳод. Кема аҳли яманликдир. Яман эса ўз ақиқу дурлари билан машҳур бўлган, шу туфайли шоир Фарҳодни дурри гаронмоя деб атайди. Кейинги жумлада Фарҳоднинг Сухайлга нисбат берилиши ҳам Яман туфайлидир. Сухайл энг ёруғ юлдузлардан бири бўлиб, у доимо Яман осмони узра порлаб турган: *Сухайлдек Яман аҳли кўзин ёрутқони.*

Сарлавҳа ва умумматн муносабати масаласида эътиборда тутиш лозим бўлган яна бир муҳим жиҳат ҳам бор: аксарият шеърий матнлар композицион жиҳатдан яхлит бўлмай, ўзаро боғланган уч қисмдан ташкил топган: 1) “бароати истихлол”; 2) асосий воқеалар тасвири; 3) “соқийнома”.

Шеърий матнда биринчи байт бўлиб келувчи бароати истихлол сарлавҳа билан узвий боғлиқ бўлиб, сарлавҳада тасвирланган воқеа ёки тимсол бароати истихлолда тасвирий воситага айланади. Масалан, XVI боб сарлавҳасидаги етакчи тафсил – хоро. Унда Фарҳоднинг Қорандан *хоро* – тошйўнарлик хунарини ўрганиши ҳикоя қилинган: *Фарҳоднинг Қоран била хоро йўнарда муқорин бўлуб, балки ул Ойнинг бу Зухал била қирон қилмоғи ва бу фанда анга соҳибқиронлиқ эшиги очилмоғи.* Бароати истихлолда эса шоир *хоро* тафсилени кўчма маънода қўллаб, уни мазмундор ва таъсирчан истиорага айлантирган:

Бу хоро узра тез эткан қаламни,
Юзига бўйла нақш этти рақамни.

¹⁶ Қаюмов А. Асарлар. 3-жилд. – Б. 4.

Бу хоро дostonнинг навбатдаги боби, унинг юзига нақш этилган рақамлар эса Фарҳоднинг Қорандан тошкесарлик сирларини ўрганиши ҳақидаги ҳикоятдир.

“Соқийнома” ларда шоир соқийга мурожаат қилиб, ундан май келтиришни сўрайди, шу сабаб воқеаларга ўз муносабатини билдиради¹⁷. Шу билан бирга, ҳар бир “соқийнома” шу бобда тасвирланган воқеаларнинг ўзига хос мажозий шарҳи ҳамдир. Жумладан, қуйидаги “соқийнома”да шоир дейдики, эй соқий, базм анжомлари тайёр, менга бир қадах май бер, у тоза ва тиниқ бўлсин, чунки фалакнинг етти қасри ҳам, жаҳоннинг тўрт фасли ҳам боқий эмас:

Кетур, соқий, манга жоми майи ноб,
Бу соатким, муҳайё бўлди асбоб,
Ки гардун етти қасридур вафосиз,
Жаҳоннинг тўрт фасли ҳам бақосиз.

Зоҳиран ўйлаш мумкинки, оламдаги ҳамма нарса: етти осмондан тортиб тўрт фаслгача – бари муваққат, ўткинчидир, бу ҳол шоирни чуқур изтиробга солади, шунинг учун у май ичиб, ўз дарду аламларини унутмоқчи бўлади. Аммо май ўз маъносида эмас, у ишқ рамзи бўлиб келган. У ҳолда “соқийнома”да шоирнинг шундай дегани маълум бўлади: Эй Аллоҳ, фалакнинг етти қасри ҳам, жаҳоннинг тўрт фасли ҳам бақосиздир, шунинг учун кўнглимни ишқинг ила тўлдир. Бу байтлар тўрт боғ ва тўрт қасрда ўтказилган нишот ва тараб базмларидан келиб чиқадиган хулосадир. Шоир дейдики, хоқон қилаётган ишларнинг бари фойдасиз. Дарҳақиқат, сарлавҳада тасвирланишича, *ҳар қаср ва ҳар боғда уч ой нишот қилиб, бир йилни бу навъ тараб била ўтқариб ҳам, Хоқон Фарҳоднинг мизожига илож қила олмайди.*

Улуғ шоир сарлавҳа ва умумматн муносабатида ҳам тасвирий изчиллик талабларини тарк этган эмас, сарлавҳа, бароати истихлол, воқеалар тасвири ва “соқийнома”лар ўз тасвирий восита ва тимсоллар олами билан юксак даражадаги мутатосибликка эга: *дебойи чиний* (сарлавҳа) – *чиний ҳулла* (бароати истихлол) – *Чин мулки* (шеърый матн) – *чиний аёғлар* (соқийнома) = XII боб; *девбод хиромлиқ девзод* – *Ахраман нафаси* – *Ахраман дев* – *нафс деви* = XXIII боб; *тоғ тилсими* – *қуёш Искандари* – *Искандар тилсими* – *Искандар кўзгуси* = XXIV боб. Бу ҳолат улуғ шоир истеъдод ва маҳоратининг нечоғли юксак эканлиги, сарлавҳа ва шеърый матн ўртасидаги боғланишга: мазмуний ва тасвирий изчилликка нечоғли жиддий эътибор билан қараганлигидан дарак беради.

II боб “Сарлавҳаларда муаллиф бадий нияти ва асар ғоявий мазмуни ифодаси” деб номланган бўлиб, икки фаслдан иборат. “Муаллиф бадий нияти талқини” номли I-фаслда дostonнинг “Фарҳод ва Ширин” деб номланиш сабаблари ҳақида сўз юритилган. Тадқиқотларда

¹⁷ Қаранг: Асадов М. Ўзбек мумтоз адабиётида соқийнома. – Тошкент: TURON-IQBOL, 2017. – Б. 11–33.

кўрсатилишича, бу ҳолнинг икки сабаби бор: шоирнинг 1) *салафлари айтганларини такрорламасликка интилиши*,¹⁸ 2) *ишқда беқарор Хусравнинг бош қаҳрамон бўлишига нолойиқ деб билиши*.¹⁹ Бироқ, маълум бўлишича, асл сабаб бу эмас, балки шоирнинг *бадий ижод ва унинг вазифаси ҳақидаги қарашларидир*.

IX боб шу ҳақдаги қарашлар баёнидан иборат. Улуғ шоирнинг таъкидлашича, сўз санъати бир гулшанга ўхшайди, бу гулшан бошдан оёқ ўт-аланга: унда ўсган гуллар ҳам, эсган еллар ҳам оташин. Чунки *бу гулшан олам бўстонида пайдо бўлибдики, унинг мақсади сўзу дардни тасвирлашдан бошқа нарса эмас*:

Бўлурдин даҳр бўстонида мавжуд,
Эмасдур ғайри сўзу дард мақсуд.

Шоир сўз (ўт) ва *дард*, унинг мазмун-моҳияти ҳақида боб сарлавҳасида шундай деб ёзади: *ҳар фасона сафинасин варақ-варақ, балки ҳар тарих жунгин сафҳа-сафҳа ахтариб, дарёзада ажносқа рад илигин урмоқ ва маоний ақмишаси нафойисин бу латофат ҳужласи аройиси учун гайб тужжоридин ҳаёт нақдин бериб савдо қилмоқ ва жон риштаси ва киртик игнаси била либоси намоиши ва хилъати оройиши тикиб, бу абкор қадларига солиб жилва бермак*. Сарлавҳада келтирилган истилоҳлар таҳлил ва тадқиқи шуни кўрсатадики, шоирнинг адабий истилоҳида *арус (аройис)* бадий асар, *маъно* (маоний) – Ҳақ ишқи, *абкорнинг либоси* – назм, яъни маънонинг шеърий шаклда намоён бўлишидир. Унинг уқтиришича, *бадий асарда маоний ақмишаси – Ҳақ ишқи, унинг дарду сўзи тасвирланиши лозим. Ана шундагина ёзилажак асар дилкаш бўлади*.

Шоир салафларининг асарларига шу нуқтаи назардан баҳо беради: *улар дилкаш эмас!* Негаки Низомий ва Хисрав Ҳақ ишқининг дарду сўзидан сўз айтиш ўрнига Хусравнинг хусравлиги: куч-қудрат ва мулку ҳашаматини мақташ билан банд бўлдилар: *Ки мулки андоқу ойини мундоқ, Сипоҳи андоқу тамкини мундоқ*. Шунинг учун ҳам салафлари асарларининг “*авзоъига тағйир*” бериб, “*Қалам Фарҳод ила Ширинга сурмак*” зарурий бўлган.

“Хусрав ва Ширин”лардан фарқли ўлароқ, Ҳақ ишқи ғояси “Фарҳод ва Ширин” достонининг ўқ илдизини ташкил қилади. Бу ғоя кўпинча шоҳлик ва ишқ зиддияти тарзида намоён бўлиб, ўзига хос бир усулда ифодаланади: шоир шеърий матнда Фарҳодга аввал “подшоҳвор” назар ташлаб, сўнг уни рад этади, сарлавҳада эса уни фақат ошиқлик сифатлари билан тилга олади. Бу усул XIII бобда, айниқса, кучли намоён бўлган. Шаҳзодага Фарҳод деб исм қўйилиши ва унинг муаммо воситаси билан келтириб чиқарилиши

¹⁸ Эркинов С. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили. – Б. 74.

¹⁹ Айний С. Асарлар. Саккиз томлик. Саккизинчи том. – Б. 331.; Жалолов Т. “Хамса” талқинлари. – Б. 32. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Б. 156-159; Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. – Б. 12.

яхши маълум.²⁰ Хоқон бениҳоя хурсанд бўлиб, ўғлининг чехрасига назар ташлайди: унинг жамолида шоҳлик фарр(فر)и намоён бўлиб турар, бу фарга *ҳиммат* (همت), *иқбол* (اقبال) ва *давлат* (دولت) юз кўйиб, унинг соясидан зийнат топган эди. Хоқон Фарҳод исмини шу сўзлардан келтириб чиқаради: فرهاد.

Бироқ шоир Фарҳод исмининг бундай талқинларини рад этади: Фарҳодга отаси эмас, балки ишқ устози исм кўйган. У хоқон сингари Фарҳоднинг зоҳирига эмас, балки покиза зотига назар ташлайди, унинг зотида *ишқ* сўзи шуълаланиб турар эди: *фироқ* (فراق), *рашк* (رشک), *ҳажр* (هجر), *оҳ* (آه) ила *дард* (درد): فرهاد.

Шоирнинг Фарҳод исмининг бу каби “хоқоний” ва “ишқий” талқинларига бўлган муносабати сарлавҳада ўзининг аниқ ифодасини топган: *Фарҳодқа “Ал-асмоу танзилу мин ас-само” ҳукми била ишқ сипеҳри авжидин номдорлиқ насиб бўлмоқ*”. Шоир бу фикрни *само* ва *асмоъ* сўзларидаги ўзак ҳарфларнинг бир хиллиги билан ҳам далиллайди: *асма* (асМО) – *сма* (СаМО). Фарҳод исмининг бундай талқини шоирнинг салафларига нисбатан жавоби, балки кинояси ҳам эди. *Хусрав* сўзининг маъноси *подшоҳ* ёки *ҳукмдор*.²¹ Бинобарин, *Хисрав* нафақат тожу тахти, балки исми билан ҳам шоҳ. Фарҳод эса ишқнинг мужассам тимоли, унинг исмигина эмас, балки ундаги ҳар бир ҳарф ишқ сўзидир: *фироқу рашқу ҳажру оҳ* ила *дард*!

Бундай талқин Фарҳоднинг илм олиши, ёшлик чоғларидаги кайфият ва кечинмалари, тожу тахтга муносабати каби воқеалар тасвирида ҳам сезилиб туради. Хусусан, Фарҳод уч ёшга етгач, хоқон унга “жуда доно ва билимдон ўқитувчи тайинлайди”.²² Фарҳод унинг мактабида улуғ қобилият намоёиш этиб, тадқиқотларда таъкидланишича, “табиат илмларини, риёзат илмини” ўрганишга киришади.²³ Аммо Фарҳод ўз истеъдодини бутунлай ўзгача илмда намоён қилган эди:

“Алиф”, “бе” дегач устод ибтидодин,

“Алиф” олди аламдин, “бе” балодин.

Фарҳод ўрганган “алиф” ва “бе” ишқнинг “алифбе”си эди. *Ҳакими нуктадон* эса, қанчалик “доно ва билимдон” бўлмасин, бу ҳолни тушуна олмай *ҳар дам лол қолади*. Чунки у илму ақл тимсолидир. Илму ақл эса ишқ асрорини англашдан, бунинг устига, унга илм ўргатишдан ожиз. Зотан, боб сарлавҳасида тасвирланишича, Фарҳод аслида ҳакими нуктадон эмас, *дард муаллимидан* сабоқ олган, унинг мактабида ишқ илмини сўзма-сўз, балки

²⁰ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Б. 453; Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Б. 91; Ўзбек адабиёти. Мажмуа. 10-синф. Тузувчилар: Б.Қосимов, Н.Жумаев, С.Олим. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 36.

²¹ Навоий асарларининг луғати. Тузувчилар П.Шамсиев ва С.Иброҳимов. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 669.

²² Қаюмов А. “Фарҳод ва Ширин” сирлари. – Б. 55.

²³ Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. – Б. 443; Қаюмов А. “Фарҳод ва Ширин” сирлари. – Б. 55; Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. – Б. 92; Эркинов С. Навоий “Фарҳод ва Ширин”и ва унинг қиёсий таҳлили. – Б. 94-95.

харфма-харф кўнглига жо қилган эди: дард муаллими мактабида ишқ кутубин лафз-балафз, балки муҳаббат авроқин харф-бахарф ўқумоқ.

Алишер Навоий бадий ниятини кейинги бобларда ишқ ва шоҳлик, ишқ ва ақлдан ташқари, *гаройиб хазойини ва хазойин гаройиби, ишқ ва тафаккур* каби зид тушунчалар билан ифода этади. Албатта, бу бежиз эмас: шоир фалсафасида шоҳлик, ақл, хазойин ғаройиби, тафаккур ўзлик тимсоли бўлса, ишқ ўзликни маҳв этувчи қудратли воситадир.

Бу фаслда *авзоъ, ҳолот, мақолот, ҳикматосо сўз, ком, масмуъ, матбуъ, афсона, тарих, дарёзада ажнос, маъно, сурат, нақш* каби адабий-ахлоқий истилоҳлар ҳам шоир бадий ниятини ифодалаш нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

“Сарлавҳаларнинг асар ғоявий мазмунини ифодалашдаги ўрни” номли 2-фаслда сарлавҳа ва шеъринг матн узвий алоқадорлиги асосида Ҳақ ишқи ғоясининг ажралмас қисми бўлган *фано* ва *васл* масаласи тадқиқ этилган. Фано,²⁴ улуғ шоирнинг дostonда таъкидлашича, ўзликни фоний қилмоқ:

Бири ўзликни қилмоқ бўлди фоний,
Яна бир доғи топмоқ бўлди они.

Ўзлик эса *мосиваллоҳ* – Ҳақдан ўзга нарсаларнинг кўнгилга жо бўлган меҳридир. Ҳақ васлини топмоқ учун кўнгилни бу меҳрдан покламоқ лозим. Бу талабни шундай ифодалаш мумкин: *ўзлик – фано – васл*.

Бу талабнинг ибтидоси Фарҳоднинг Юнон мулкига сафаридир.

Маълумки, Фарҳод бу сафар давомида уч манзилда уч офатни маҳв этади. Уларнинг аввалгиси – аждаҳо. Унинг ўлдирилишини шоир XXII боб сарлавҳасида шундай тасвирлайди: *Фарҳоднинг аждаҳоваши кўҳ пайкарига миниб, аждаҳоқушлик тийгин чекиб, аждаҳо водийсига кириб, аждаҳо уни ўқ йилонидин дамор чиқоргондек, аждаҳони ўқ йилони била торумор қилмоғи доғи аждаҳо горга юзлангандек аждаҳо горига юзланиб, Афридун ганжини топмоғи.* “Аждаҳо – нафс тимсоли”, – деб ёзади Н.Комилов.²⁵ Аммо боб охирида келтирилган “соқийнома”да у *ғам* сифатида тилга олинган: *аждар – ғам. Ғам эса, Бадойиъ ул-васат*”даги 197-ғазалда айтилишича, касрат, касрат эса *мосиваллоҳ*дир. Шундай экан, ғамнинг тамсилий ифодаси бўлган *аждаҳо* ҳам *касрат* ёки *мосиваллоҳ*. Фарҳод бу манзилда ёвуз аждарни тормор этиб, *Афридун ганжини* қўлга киритади. “Соқийнома”дан маълум бўлишича, *ганж майдир. Май эса 197-ғазалда айтилишича, ваҳдат, ваҳдат эса Ҳақ жамолининг кўнгилдаги жилвасидир.* Фарҳод аждаҳони *торумор қилиб, Афридун*

²⁴ Фано ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – С. 38; Ҳаққул И. Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б.114–122; Ҳаққул И. Навоий шеърлятида фано талкинлари / Мерос ва моҳият. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.85–95. Олим С. Ишқ, ошиқ, маъшук. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 7–46; Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. – Тошкент: Фан, 1995. – Б. 45–46.

²⁵ Комилов Н. Сукрот – комил инсон тимсоли / Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр – Ўзбекистон, 2009. – Б. 182.

ганжисини топган экан, бу билан шоир шундай дейди: *Фарҳоднинг кўнглидаги гам аждаҳоси, яъни дунё меҳри маҳв бўлиб, унда хусн ганжи, яъни Ҳақ жамоли жилва қила бошлади.*

“Дев салтанат тимсоли”дир, – деб ёзади Н.Комилов унинг мажозий маъноси ҳақида.²⁶ Аммо шоир шу боб охиридаги “соқийнома”да уни *нафс* деб атайди: *нафс деви*. Фарҳодга Аҳраман манзилида *Сулаймон хотами* насиб бўлади. Н.Комилов ёзишича, “Фарҳод шернинг оғзига Аҳраман девдан олгани Сулаймон хотами (бу ҳам ҳокимият рамзи) билан уриб, уни даф этади”.²⁷ Аммо бу фикрга ҳам қўшилиш қийин. Чунки *Сулаймон хотами* шер ва темир пайкар каторида турадиган салбий тимсол эмас. Унинг Навоий ижодидаги таҳлили шуни кўрсатадики, *Сулаймон узуги Фарҳоднинг нафс иллатлардан покланиб, илоҳий жамол жилваси билан тўлган кўнглидир.*

Тилсим, жумладан, *Искандар тилсимининг* мажозий маъноси ҳақида мавжуд тадқиқотларда ҳеч қандай маълумот учрамайди. Аммо XXIV боб сарлавҳасида шоир уни шундай талқин қилади: *гам тилисми анинг кўнглидин очилгонидек анинг тилисми гамидин кўнгли очилғони ва Хизрнинг жисми тилисмида равшан кўнглидек тилисм жисмида Жоми жаҳоннамой топқони*. Кўриниб турибдики, *тилсим*, аждар ва дев каби, *гам* ёки *жисм*.

Жоми жаҳоннамой, Н.Комиловнинг кўрсатишича, “Фарҳоднинг мусаффо қалби рамзи”.²⁸ Шоирнинг ўзи бир байтида *Жоми жаҳоннамо* ҳақида шундай дейди:

*Кўнгул – Жоми жаҳонбиндур, тўло қил соф май бирла,
Ки солғай акс неким бўлса аҳволи жаҳон анда.*²⁹

Демак, *Жоми Жаҳоннамой жаҳонбин кўнғилдир*. Бундай кўнғил Ёр жамолининг жилвагоҳигина бўлиб қолмайди, унда оламдаги энг яширин сирлар ҳам, бўлаётган ва ҳатто келажакда бўладиган воқеа-ходисалар ҳам худди кўзгудагидай акс этади.

Шоир асарларидан маълум бўладигани, фанонинг ҳам икки даражаси бор: *аввалги фано*, *иккинчи фано*. Иккинчи фано ҳақида шоир “Ҳайрат ул-аброр”даги “Учинчи ҳайрат” сарлавҳасида шундай деб ёзади: *Ул ошуфтаҳол мусофирнинг малакут олами шабистонидин бадан мулки шаҳристонига нузул қилғони ва ул кишвар аҳлининг ҳам “Фазкуруни азкуркум” буйруги била Қодири мутлақ ёди бирла эрконин билиб, ҳайрат ўти иштиол этиб, вужуди ул ўтдин кул бўлуб, фано елига билкул совурулмоқ била иккинчи фано мақомин ҳосил этиб, андин сўнг Ҳақдин бақойи комилий этиб, хожанинг ул мулкда хилофат тахтига қарор тутқони*. Маълум бўладигани, иккинчи фано вужуд(жисм)нинг ҳайрат (ишқ) ўтида кул бўлиб, фано елига бутунлай совурилмоғидир. Шу аснода хожа

²⁶ Комилов Н. Сукрот – комил инсон тимсоли. – Б. 82.

²⁷ Комилов Н. Сукрот – комил инсон тимсоли. – Б.183.

²⁸ Комилов Н. Сукрот – комил инсон тимсоли. – Б. 185.

²⁹ Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 4-том. – Б. 25.

(кўнгил)га Ҳақдан бақойи комилий етиб, у бадан мулкида халифалик тахтини эгаллайди.

Ғазалларидан бирида айтилишича, *иккинчи фано фанонинг ҳам фаносидир*:

Фанонинг ҳам фаносин истагил васл ўлса комингким,
